



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ўсиб келаётган ёш авлодини маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришни энг муҳим шарт ҳисобланади, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллашга кўмаклашиши.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишлар ҳолатини танқидий таҳлил қилиш халқ таълими тизими бошқарувини ташкил этиш, давлат умумий ўрта таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда умумтаълим муассасалари деб қўрилади) фаолиятини амалий жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларни молиқлаштиришда бир қатор муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини аниқлади. Жумладан:

**Биринчидан**, жойларда умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида давлат сибсатини амалга ошириш, умумтаълим муассасалари раҳбарларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини ҳал этиш, идоравий мансуб ташкилотларнинг мулкидан самарали фойдаланишда халқ таълими бошқаруш органлари ролининг етарли даражада эмаслиги;

**Иккинчидан**, умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига уларга хос бўлмаган вазифалар ва функцияларни юқлиш, муассаса директори ва унинг ўринбосарлари ўртасида ваколатларнинг аниқ тақсимланмаганлиги, улар фаолияти самардорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари ва параметрлари мавжуд эмаслиги;

**Учинчидан**, умумий ўрта таълимнинг долзарб масалалари ва уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича чуқур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги, ўқув-тарбия жараёнини услубий таъминлаш масалаларида халқ таълими бўлиmlари ва умумтаълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик даражасининг пастлиги;

**Тўртинчидан**, раҳбарлар, ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари бошқаруш ходимларининг касбий фаолияти-

га асоссиз равишда аралашувдан ҳимоя қилиш механизмларининг самарасизлиги, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан мактабларни текшириш ҳаддан зиёд кўпайиб кетганилиги;

**Бешинчидан**, таълим сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг билим даражасини ва педагогик маҳоратини ошириш масалаларида умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиклик ва шаффоқлик даражасининг етарли даражада эмаслиги, ўқув-тарбия жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг мавжуд эмаслиги;

**Олтинчидан**, халқ таълими тизими муассасаларини молиқлаштириш ва моддий-техник таъминлаш механизмларининг мукамал эмаслиги, уларнинг фаолиятига замонавий меъморий ечимлар, инновацион ишланмаларни ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги.

Ўқув-тарбия жараёнига бошқарувининг янги механизмларини ва сифат стандартларини жорий этиш, жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, умумтаълим муассасаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш орқали халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар халқ таълими тизимини ислох қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш;

ушбу соҳада ягона давлат сибсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг (кейинги ўринларда — Вазирлик) мувофиқлаштирувчи роли ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мазкур йўналишдаги вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаш ва тартибга солиш;

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЙДОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда кўмаклашиш, мулкдорларнинг ўзларига тегишли бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш бўйича масъулиятини кучайтириш борасида қўриқлаётган чоралар амалда ўз самардорлигини кўрсатди.

Илгари хусусийлаштирилган қорхоналар билан ишлашда ёндашув ва иш услубининг тубдан ўзгартирилиши бир ярим мингдан ортиқ фаолият кўрсатмаётган ва кам қувватли қорхоналар фаолиятини тиклаш ва ўн икки мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш имконини берди.

Шу билан бирга, ҳудудларда ханузгача давлатга ва давлат улуши мавжуд бўлган қорхоналарга тегишли бўлган, шунингдек, ажратилган ер участкаларида тадбиркорлик субъектлари томонидан қўрилган ҳамда собиқ жамоа ва ширкат ҳўжалиklarини тугатиш даврида сотиб олинган катта миқдордаги фаолият кўрсатмаётган ва самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар сақланиб қолмоқда.

Мазкур ҳолат янги иш ўринлари яратиш имкониятининг йўқотилишига, ишлаб чиқариш қувватларининг маънан эскириши ва жисмонан емирилишига олиб келаётган бўлиб, улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш бўйича кеңиктегириб бўлмайдиган чораларни кўришни талаб этмоқда.

Фаолият кўрсатмаётган ва фойдаланилмаган турган объектлар мулкдорлари, барча даражадаги раҳбарларнинг мазкур объектлардан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши бўйича масъулиятини кучайтириш, шунингдек, қорхоналарни фаол ҳўжалик фаолиятига жалб этиш ҳамда шу

асосда янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Хусусийлаштирилган қорхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг илгари хусусийлаштирилган объектларни ҳўжалик фаолиятига жалб этиш бўйича амалдаги механизмни мулк ҳўқуқининг вужудга келиш асослари ва эгаллаган майдон ҳажмидан қатъи назар, барча тоифадаги қурилиш тугалланмаган объектлар, бўш турган бинолар, нотурар иншоотлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига (кейинги ўринларда фойдаланилмаётган объектлар деб қўрилади) нисбатан татбиқ этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича намунавий таркибдаги идоралараро комиссиялар (кейинги ўринларда идоралараро комиссиялар деб қўрилади) 1-иловага мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар)да фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича намунавий таркибдаги ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда ишчи гуруҳлар деб қўрилади) 2-иловага мувофиқ тузилсин.

Идоралараро комиссиялар раҳбарлари этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, ишчи гуруҳлар раҳбарлари этиб тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари белгилансин.

► Давоми 2-бетда.

## ЎЗБЕКИСТОН — МИСР ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ БОСҚИЧ БОШЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн Халил ас-Сиси 4-5 сентябрь кунлари расмий ташир билан мамлакатимизда бўлди.

Таширнинг асосий тадбирлари 5 сентябрь куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Абдулфаттоҳ ас-Сиси тор доирада ўрашув ўтказди. Давлатимиз раҳбари олий мартаба-ли меҳмонни қутлаб, ушбу ташир мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларда тарихий воқеа эканини таъкидлади.

— Биз Мисрни қадимий цивилизацияга бегиши, бой тарих ва юксак салоҳиятга эга мамлакат деб биламиз. Халқларимизнинг маданий яқинлиги жуда қадим замонларга бориб тақалади. Ота-боболаримиз биргаликда илм-фанни ривожлантирган, маданий ҳамкорлик, савдо-сотик қилган. Бунга тарихда мисоллар жуда кўп. Бугун Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигида янги босқич, амалий ишлар даври бошланмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

— Аввало, Ўзбекистонга таклифининг учун ташаккур изҳор қилмоқчиман, — деди Абдулфаттоҳ ас-Сиси. — Мамлакатингизга келган илк дақиқаларданок ўзимни юртимдагидек ҳис қилдим. Миср халқи мамлакатимиз билан минг йиллик муштарак тарихга эга Ўзбекистон ва унинг халқини гоят ҳурмат қилади. Ўйлайманки, бу ташир нафақат ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, балки барча соҳаларда улкан юксалишларга туртки беради. Биз муносабатларимизни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон ва Миср, гарчи орадаги масофа узоқ бўлса-да, тарихий-маданий муштараклик, аънаваний дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради. Миср Президентининг мамлакатимизга илк ташири ана шу азалий алоқаларни бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги асосда равнақ топтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорликни янада фоллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлиги кенгашининг 2016 йил октябрь ойида Тошкентда ўтган 43-сессиясида Миср делегацияси иштирок этди. Ушбу мамлакат етакчи экспертлари юртимиздаги сайловларда қузатувчи сифатида мунтазам қатнашиб келмоқда.

Минтақавий ва глобал масалаларга ёндашувлар ҳам ўхшаш ёки яқин. Ўзбекистон ва Миср Афғонистонда фақат ушбу мамлакат халқи томонидан тинчлик

ўрнатиш жараёни амалга оширилиши тарафдоридир.

Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, бу масалалар бўйича ташқи ишлар вазирликларининг ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб боришга келишиб олинди.

Президентлар хавфсизлик муаммоларига алоҳида эътибор қаратдилар. Терроризм, экстремизм, ноқонуний миграция, ғиёвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Миср Президентларининг кенгайтирилган тарихидаги муносабатларида савдо-сотик ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш, шу мақсадда мамлакатларимиз имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни давом эттириш зарур. Музокараларда таъкидланганидек, савдо ҳажмини яқин йилларда бир неча баробар ошириш учун ҳар икки томонда фойдаланилмаётган улкан имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Мисрга унинг бозоридан талаб юқори бўлган электротехника, машинасозлик, металлургия, кимё ва нефть-кимё, енгил санаят, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиши мумкин. Мисрда эса мамлакатимизга дори-дармон, тиббий жиҳозлар, гиламлар, мебеллар, нефть-кимё маҳсулотлари, мрамр, чинни, тери ва пластик маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятлари юқори.

Икки давлат масъул идораларига савдо айланмасига қулай шарт-шароит яратиш, товар айирбошлаш тузилмасини тўлиқ диверсификация қилиш ва унинг ҳажмини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида илмий изланишлар натижалари ва илгор тажрибани алмашишга келишиб олинди. Ишбилармон доиралар вакилларининг Ўзбекистон ва Мисрда ўтказиладиган кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиши рағбатлантирилади.

Миср Президентининг ташири доирасида ўтган Ўзбекистон — Миср бизнес-форуми ана шу мулоқотларнинг узвий давоми бўлди. Ушбу форумда умумий қиймати 400 миллион доллардан зиёд шартномалар имзоланди. Бу ҳам иқтисодий соҳада улкан имконият ва ресурслар борлигидан далолатдир.

Мамлакатларимиз қадимда Буюк ипақ йўлининг асосий тармоқлари бўлган. Бугунги кунда ташқи бозорларга тез ва самарали чиқиб бориш таъминловчи транспорт ва транзит йўллари ривожлантириш давлатларимиз ўртасида савдо ҳажмини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда халқаро сув йўлаги сифатида Сувайш каналининг аҳамияти беқиёс. Сувайш каналдаги иқтисодий зона Ўзбекистон маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиб беришга имконият яратади.

Ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришда ҳудудлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Музокарада Наманган ва Искандария вилоятлари ўртасида бевосита ҳамкорлик ўрнатиш, яқин кунларда ушбу вилоят делегациясининг юртимизга таширини ташкил қилишга келишиб олинди.

Миср туризм соҳасида катта салоҳият ва тажрибага эга мамлакат. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ушбу тармоқ жадал ривожланмоқда. Музокарада бу соҳадаги алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистондаги қадимий шаҳарлар ва муқаддас қадимларни зиёрат қилиш учун Мисрлик сайёҳларни қўйатириш мумкинлиги қайд этилди. Тошкент, Қоҳира ва Хургада ўртасида авиакатновларни йўлга қўйиш масаласи муҳокама қилинди.

Мувоаруннаҳр ва Миср диёрида яшаб ижод қилган улғу бобоқалонларимизнинг ноёб илмий-маърифий мероси бутун мусулмон оламнинг бебаҳо бойлиғидир. Бу ўринда буюк аждодимиз Аҳмад Фарғонийнинг Мисрда яшаб, улмас қашфиётлар қилгани, жумладан, Нил дарёси сувини ўлчайдиган иншоот — «Миқёси Нил»ни яратгани бугунги авлодларга юксак ифтихор бағишлайди. Қоҳира шаҳрида, буюк Нил бўйида Аҳмад Фарғоний бобоимизга ўрнатилган муҳташам ҳайкал бугун халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликнинг ёрқин рамзига айланган.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилди. Мисрнинг Ал-Аҳзар университетини ва бошқа илмий-тадқиқот муассасалари билан Ўзбекистон халқаро Ислом академияси, Имом Бухорини номидида халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ислом цивилизацияси маркази ўртасида фаол ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олинди.

Музокарада халқларимизнинг маънавий яқинлигини инобатга олиб,

қўшма маданий тадбирларни қўйатириш, айна пайтда, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасида ёшлар, спорт, инвестиция, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида Анг-лашув меморандумлари, таълим, туризм, археология, маданий мерос ва музейшослик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга доир битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми сингари жами 12 ҳўжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўрашушда Президентлар мулоқотлар очик, дўстона ва амалий руҳда ўтганини, ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг қамровли масалалар муҳокама этилганини таъкидладилар. Имзоланган ҳўжатлар Ўзбекистон ва Мисрнинг узоқ мuddатли манфаатларига, мамлакатларимизни ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилишини қайд этдилар.

— Миср Президентининг Ўзбекистонга ташири мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда тарихий аҳамиятга эга бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Биз икки томонлама муносабатларга доир ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашидик. Ишончим комилки, ушбу келишувлар Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан бойитиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янги, юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

— Ўзаро самимий мулоқот ва Миср делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Президенти ва халқига миннатдорлик изҳор қилман, — деди Абдулфаттоҳ ас-Сиси. — Бугун имзоланган ҳўжатлар яқин келажакда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш ва жадаллаштиришга хизмат қилади. Ушбу келишувлар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бир-бирига муштарак интилишини самарасидир.

Абдулфаттоҳ ас-Сиси Шавкат Мирзиёевни расмий ташир билан Мисрга таклиф қилди.

Шу билан Миср Араб Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий ташири ниҳоясига етди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
Ўза мухбири.

## «Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!»



## БЕҒУБОР ОРЗУЛАР ОСТОНАСИДА

5 сентябрь куни мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида 2018/2019 ўқув йили бошланди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқини ва иштиёқини тобора кучайтиришга, ўқитувчилик касбининг обрўсини тиклаш ва оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Янги ўқув йилида педагог ходимларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузини юксалтириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, юксак маънавиятлик, қатъий ҳаётий позицияга эга, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга оид ишларни давр руҳига мос тарада такомиллаштириш, умумтаълим мактаблари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, санъат ва маданият, олим-

ния захиралари мактаб-интернатлари, академик лицейлар битирувчиларига аъло билими, намунали ҳўлки ва жамоат ишларида фаоллиги учун олтин ва кумуш медаллар таъсис этилди.

Таълим муассасалари ходимларининг оилаи маоши оширилди. Ўқитувчилар таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган турли йиғилиш ва тадбирларга жалб этилмайдиган бўлди. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларидан дарс ва тўғрақ машғулотларини ташкил этиш, синф журналини юритишдан ташқари бошқа педагогик юкмавлар бўйича ҳисоботлар ва қўшимча маълумотларни талаб қилиш қатъий таъкидланди.

► Давоми 3-бетда.



MAQOM ART  
INTERNATIONAL FORUM  
SHAHRISABZ - 2018  
WWW.MAQOMFORUM.UZ

Бугун қадим  
Шаҳрисабз шаҳрида  
Халқаро мақом санъати  
анжумани бошланади.  
Бу санъат анжуманида  
70 дан ортиқ давлат  
вакиллари иштирок  
этади. 40 дан зиёд  
хорижий давлатлар  
телеканаллари  
анжуманни ўз юртларига  
тўғридан-тўғри узатиш  
истагини билдирган.  
Анжуман 10 сентябрда  
яқунланади.



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

# ЯШАШ ҲУҚУҚИ

## БАРЧА УЧУН ТЕНГ ШАРОИТ ЯРАТИЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши кўзи охишлар ҳамда ногиронлар жамиятлари билан ҳамкорликда йиғилиш ўтказди. Унда ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит яратиш, жойлардаги камчиликларга ечим топиш масалалари муҳокама қилинди.

— Партияимиз фаоллари ҳамда депутатлар билан биргаликда яқинда ўтказилган ўрганишлар давомида ногиронлиги бўлган шахсларни ташвишга солаётган муаммолар кўп эканига гувоҳ бўлдик, — деди **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Мехрождин ДАРХОНОВ**. — Хусусан, таълим тизимида ечимини қутаётган масалалар талайгина. Масалан, Тошкент вилояти бўйича жами 2 мингга яқин кўзи охиш ҳамда 500 дан ортиқ кар ва соқов бор. Кўзи охишлардан 743 нафари, кар-соқовларнинг 198 нафари 30 ёшга бўлганлардир. Уларнинг таълим олиши, бандлиги масаласида йиллар мобайнида муаммолар йиғилиб қолган. Кўзи охиш, кар ва соқов инсонлар учун вилоятнинг Олмалик шаҳрида битта 700 ўринга мўлжалланган махсус мактаб-интернат мавжуд. У ерда дарсликлар, ўқув кўланмалари етишмайди. Брайль ёзуви учун мўлжалланган мосламалар ҳам жуда кам. Борлари эса эскирган.

Таълимлар асосида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия гуруҳлари томонидан ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, кўзи охишлар, кар ва соқовлар ижтимоий ҳимоясига қаратилган 15 масала партия гуруҳларида ва 8 масала доимий комиссияларда муҳокама қилинди. Сессияларда 8 масала кўриб чиқилди.

— Мамлакатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳаёт сифатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш, уларга таълим олиш ва ишга жойлаштиришда кўмаклашиш чоралари кўрилмоқда, — деди **Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти раиси Комилжон АБДУЛЛАЕВ**. — Аммо кўпчилик жисмоний имконияти чекланган шахслар кундалик турмушда турли қийинчиликларга дуч келиб, бу уларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Уларнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам муаммолар бор.

Ноғиронлиги бўлган шахслар учун аравачалар, кўлтиқ таёқ ва бошқа ускуналар, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари чет элдан олиб

келинади. Бу эса нарх-навонинг кимматлиги, махсулот етишмаслигининг асосий сабабидир. Ноғиронлиги бўлган шахслар учун хориждан келтирилатган ускуналар ёки махсулотларни маҳаллийлаштириш, ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман. Масалан, заиф эшитувчилар учун имплантат мосламаси АҚШ, Германия, Хитой давлатларидан сотиб олинмоқда. Агар инвестиция жалб қилинса, хорижий сармоядорлар билан тажриба алмашилса, мамлакатимизда ҳам бу каби мосламаларни ишлаб чиқариш мумкин.

— Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида иштирокининг муҳим омилларидан бири уларнинг умумий саводхонлиги ҳисобланади, — деди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлими мудири Боймурод ЮСУПОВ**. — Бироқ қатор сабабларга кўра, ногиронлиги бўлган шахслар олий таълим муассасаларида ўқиш имкониятига эга бўлмаган. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида абитуриентлар қабулининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун кўшимча равишда икки фоизли квоталар киритилди. Мазкур квоталар бўйича фақатгина ногиронлиги бўлган шахслар таълим олади, бу уларнинг олий маълумотга эга бўлишини таъминлаб, жамиятга мослашиш имкониятларини кенгайтиради.

**Бироқ олий таълим муассасаларига ўқишга кирган ногиронлиги бўлган ёшлар учун шарт-шароитлар тўлиқ таъминланган, деб айтиш мумкин. Сурдо таржимонлар, Брайль алифбосидаги адабиёт ва ўқув кўланмалар талаб даражасида эмас. Бинолар ҳам тўлиқ мослаштирилмади.** Лекин яқин келажикда мазкур масалалар ҳам босқичма-босқич ўз ечимини топади.

— Кар-соқовларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш билан 20 йилдан буён шуғулланиб келаман, — деди **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қотидаги Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази раҳбари Раъно ШОДИЕВА**. — Афсуски, ўтган йиллар мобайнида ушбу қатлам жамият ҳаётидан узилиб қолган эди. Бойси,



Санабар ШОТУЛАНОВ олдани сурат.

улар учун республика миқёсида махсус мактаб-интернатлари кам, ўқув кўланмалари деярли йўқ. **Уларнинг бирортаси қарийб 30 йилдирки олий таълим муассасасида тахсил олмаган. Натижада тизимда тегишли кадрлар етарли эмас, борлари эса нафақа ёшига етиб қолган.**

Жорий йилдан бошлаб берилаётган имтиёзлар эшитиш ва гапириш имконияти чекланган минглаб ёшларнинг орзуларини рўёбга чиқаради. Чунки улар орасида ноёб иқтидор эгалари кўплаб топилди.

### Мақсуда ВОРИСОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги фармонида мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларга яратилаётган шароит, улар учун ҳамма қатори ўз ҳуқуқларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш имконини берувчи барча йўналишлар бўйича вазифалар белгилаб берилган. Масалан, ногиронлики белгиланган мезонларини қайта кўриб чиқиш, янги услубга кўчириш, уларни тиббий кўриқдан ўтказишда замонавий усуллардан фойдаланиш масалалари қарамбоқ олинган. Бундан ташқари, турли даражадаги коррупциянинг олдини олиш мақсадида ногиронлики белгиланган бўйича тиббий экспертизанинг шаффофлигини таъминлаш ҳам назарда

тутилган. Яна бир муҳим жиҳати, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бор, касаллик аниқ кўриниб турган ҳолатларда қайта-қайта текширувлари камайитириш, содда-лаштириш билан боғлиқ талаблар ҳам фармондан ўрин олган.

Бироқ орадан қарийб бир йилга яқин вақт ўтса-да, мазкур масалалар ҳаётга таътиб қилинган йўқ. Одамларнинг норозиликлари, овозгарчиликларига барҳам берилмагани ҳам аниқ ҳақиқат. Ноғиронлиги бўлган шахслар ҳануз эски тизимда қайта-қайта кўриқдан ўтказилмоқда. Ваҳоланки, ўзи нафақага кун кечирадиган одам учун кўшимча маблағ сарфлаб, тиббий кўриқдан ўтиш оғирлик қилади. Чунки ТМЭК талаб қиладиган айрим текширувлар анча қimmat. Айтилик, давлат муассасаларида МРТ текшируви бўлмаслиги мумкин.

Бошида ўсимтаси бор, тутқаноқ ёки бошқа бирор-бир онкологик касалликка чалинган беморлар ҳам ҳар йили тиббий кўриқдан ўтиши керак. Бемор, яъни ногиронлиги бўлган шахс бунинг учун 100-150 минг сўм, баъзан ундан ҳам кўп маблағ сарфлайди. Ёки ампутантлар деймиш, яъни кўл ёхуд оёғи йўқ шахслар бор. Ахир уларнинг оёқ-қўли ўсиб чиқмайди-ку. Шунда ҳам улар оёғи йўқлигини исбот қилиб бериши керак. Қайта текширувлар эса уларга руҳий жиҳатдан таъсир қилади.

Шу кунларда бир масала билан шуғулланилган. Тошкент шаҳри Учтепа туманида истиқомат қилувчи 1973 йилда туғилган Машхура Ҳасанованинг мурожаати ечимсиз қолмоқда. Аслида у олимпиада Тарих фанлари номзоди, доцент. Афсуски, 2015 йилда ўсма касаллиги бўйича унга ногиронлик белгиланган. 2017 йилнинг декабрига 2-гуруҳ ногиронлиги нафакасини олган. Қайта кўриқдан ўтказиш вақтида уни 3-гуруҳ ногиронлигига тушириб қўйишган. Ваҳоланки, аёлда нутқ бузилиши бор, тутқаноқ хуружлари бўлиб туради. Ўзим кўрдим, тиббий маълумотномага асосий иш билан шуғулланиши мумкин, деб ёзиб қўйилган. Уйлаб кўрайлик, таълим муассасасида қандай қилиб дарс ўтиши мумкин?

Мутасаддиларга оғзаки мурожаат қилганимда, қайта даволашни, хасталик расмий тасдиқланса, 2-гуруҳ ногиронлигига ўтказишга ваъда беришди. Аёл июль ойида даволаниб чиқди. Бироқ расмий тасдиқланган бўлишига қарамай, унга 2-гуруҳ ногиронлиги беришдан бош тортишган. Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилдим. Лекин ҳали натижасини билмайман. Бу биргина мисол. Бунақанги ҳолатларни кўплаб ва ҳар бир ҳудуддан келтириш мумкин.

Кўшма йиғилишда партия гуруҳлари, вилоят кўзи охишлар ва ногиронлар жамиятлари томонидан тизимдаги камчиликлар ечим юзасидан таклифлар билдирилди. Таъкидландики, аксарият ногиронлар фақат пенсия ва нафақа маблағлари ҳисобидан кун кечираётгани боис, коммунал тўловлар, транспорт харажатларида имтиёз ва энгилликларга зарурат сезишади. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари учун имтиёз ва чеғирмалар кенгайтирилса, яхши бўларди, деган таклиф билдирилди. Спорт иншоотларини ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштириш ҳам долзарб масала. Кўзи охишлар мактаб-интернатларида болалар спортини ривожлантириш мақсадида мураббийлар ажратилиш, мусобақалар кўламини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда кўтарилган масалаларни халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг доимий комиссияси ва сессияси кун тартибига киритиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

### Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУНОСАБАТ

## ИШОНЧ ВА ЭЪТИРОФ КУЧИ



### Дилбархон МАМАДЖОНОВА, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида кўра, кўплаб юрtdошларимиз қаторида «Шухрат» медали билан тақдирланганидан қанчалик қувонганимни тасвирлашим қийин. Ўзбекистон меҳнатини ҳамкасблардан бирортаси ёки бошқа кимдир озгина эътироф этса, хурсанд бўласан, киши. Камтарона меҳнатинг мамлакат Президентини томонидан тақдирланса, давлатнинг юксак муқофотига муносиб кўриلسа, қувонмай, фахрланмай бўладими...

Бу муқофотни мен партияимизга бўлган эътибор намунаси, деб биламан, катта ишонч, деб биламан. Бу ишонч ва эътироф кишига катта масъулият юклайди, ғайрат-шижоат бағишлайди.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган тарихий ислохотлардан кўзланган бош мақсад меҳнаткаш халқимиз ҳаёт даражасини янги босқичга олиб чиқиш ва ватанимиз тараққийотини энг ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишдир. Бунга осонликча етиб бўлмайди, албатта. Барчамиз сидқидилдан ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишимиз, инновацион гояларни ҳаётга кўпроқ таътиб эътишимиз керак бўлади.

Бу борада сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юкланмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, ҳукумат аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳамда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаоллари ва депутатлари учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун биз ўз сайловчиларимиз ва партияимиз электорати билан ҳамнафас ва ҳамқаддам бўлишга ҳаракат қилияпмиз. Баландпарвоз гаплардан амалий ишга ўтдик. Халқимизни рози қилиш учун хали олдинда жуда катта вазифалар турганини англаётганимиз ва бу борада истиқболли режалар асосида фаолият олиб бораёмиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар шиддати биздан ўз вазифамизга мутлақо янгича ёндашуви талаб қилмоқда. Кечаги кайфият билан бугунги жараёнларга мос қаддам ташлаб бўлмайди. Бугун кенгашидан уч қарра кўп изланиш, меҳнат қилиш керак бўлади, деб ўйлайман. Ушанда ишончини оқлай оламиз, электорат манфаатини самарали ҳимоя қилган бўламиз.

## БЕҒУБОР ОРЗУЛАР ОСТОНАСИДА

Бу эса педагогларни таълим сифати, ёшлар тарбиясига тобора кўпроқ эътибор, вақт ажратишида, ўз касбига садоқат, ҳафса билан ёндашишида асосий омиллардан биридир.

...Барча таълим масканлари каби пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 224-умумтаълим мактабида ҳам янги ўқув йили тантанали руҳда бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат дахияси янграйди. Юртимиз байроғи хилпирайди. Гулдастлар тутган ўқувчилар, устозлар, жамоатчилик вакилларининг қалбида ҳаяжон, фахр-ифтихор. Ўзбекистонимизни, истиқлолни, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликни тараннум этувчи шеър ва қўшиқлар янграйди. Янги ўқув йилида илк сабоқ учун биринчи кўнғироқ жарангайди.

Бир пайлар тумандаги қоқоқ мактаб саналган бу билим маскани соҳадаги ислохотлар натижасида бугунги кунда илғор ўқув даргоҳлари қаторидан ўрин олган. Аввал мактабда 300-400 ўқувчи тахсил олган бўлса, бугун улар 1470 ни ташкил этаётгани ушбу ўқув даргоҳида таълим сифатини ошириш йўлидаги интилишларнинг амалий натижаси, дейиш мумкин.

Барча жойларда бўлгани каби илк сабоқ — Мустақиллик дарси «Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!» шiori остида ўтказилди. Президент совғаси — 12 номдаги ўқув қуроллари солинган мактаб сумкалари бу йил 1-синфларга қабул қилинган 645 минг нафардан ортиқ ўқувчига тантанали топширилди.

### Н.УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

«Давоми. Бошланғич 1-бетда».

## БИРИНЧИ ҚҲНҒИРОҚ САДОСИ

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

5 сентябрь кuni мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида янги ўқув йили бошланғич муносабати билан Билимлар кuni тадбирлари бўлиб ўтди.

Яккасарой туманидаги 319-умумтаълим мактаби ховлиси ҳам байрамона безатилган. Ҳамманинг юз-кўзида табассум. Айниқса, муқаддас даргоҳга илк қадамини ташлаётган ўғил-қизларнинг ҳаяжони чексиз. Уларнинг ота-оналари билан сўхбатлашдик.

— Фарзандим эрта тонгда уйғониб, бир неча кун аввал тайёрлаб қўйган мактаб либосларини кийди, — дейди **Умида Газиева**. — Ўқув даргоҳига отланар эканмиз, тинмай савол берарди. Мактабга дафтар, китоб олиб боришим керакмасми, уларсиз қандай дарс тайёрлайман, дерди. Биринчи синфга қадам қўйган болажонларга «Президент совғаси» берилишини тушунтирдим. Унда керакли барча ўқув қуроллари борлигини айтдим. Фарзандим бундан жуда қувонди.

Байрам иштирокчиларини дастлаб **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлими мудири Нилуфар Йўлдошева** Билимлар кuni билан табриклади. Юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси йўлида қилинаётган ишлар тўғрисида тўхталиди.

Нихоят, ўғил-қизлар орзигиб кутган биринчи кўнғироқ чалинди. Ўқувчилар етакчилигида ўқувчилар ўз синфларига ошиқиди. Бу жараён кишига ҳаяжон бағишлайди, болалик хотираларини жонлантиради. Биз ҳам ўқувчилар билан синф



хоналарига йўл олди.

— Бугунги кунда мактабимизда 740 нафар ўқувчи тахсил олмақда, — деди **халқ депутатлари Яккасарой тумани Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, 319-умумтаълим мактаби директори Саёхат Тошматова**. — Уларга 50 нафардан ортиқ малакали ўқитувчи таълим бериб келмоқда. Мактабимизда спорт, мусиқа, хунармандчилик, фан тўғрисида фаолият юртади. Жорий ўқув йилида эса дарсдан ташқари «Истиқлол барслари» номидаги ихтисослаштирилган харбий синф ҳам ташкил этилди.

Мактаб директори бизни дастлаб биринчи синф хонасига бошлади. У ерда «Мустақиллик дарслари самимий руҳда ўтказилаётганига гувоҳ бўлдик.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов дарс

жараёнида мустақиллик имкониятлари, ўзининг ҳаёт тажрибалари ҳақида сўзлаб берди. Орзу, ниятлар етиш учун аввало аъло ўқиш, чўқур билим олиш, астойдил интилиш кераклигини айтди.

Қарийб уч ой давомида ўқувчиларини кутган мактаб кучоғи яна ўғил-қизлар билан тўлди. «Президент совғаси» — 12 номдаги ўқув қуроллари солинган мактаб сумкасини олган биринчи синф ўқувчиларининг қувончи ва ҳайрати, бир-бирини соғинган синфдошларнинг шодликлари кишини ҳаяжонга солади, ғурурлантиради. Ҳаёлга беихтиёр бир тилак келади: Янги ўқув йилининг муборак бўлсин, доимо аъло баҳоларга ўқиб, ота-она ва устозларни рози қилин!

### Махлиё АЛИҚУЛОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## БИРИ «ҚАЛДИРҒОЧ»ДА ИККИНЧИСИ «ДЎСТЛИК»ДА

Шўрчи туманида хусусий шерикчилик асосидаги иккита нодавлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълимни ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жажжи фарзандларимизнинг жисмонан соғлом ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида Шўрчи туманида хусусий шерикчилик асосидаги иккита нодавлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Қўшалоқ байрамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги масъуллари, меҳмонлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

— Улғу айём кунлари Тула маҳалласида 80 ўринли «Қалдирғоч», Дўстлик маҳалласида эса 120 ўринга мўлжалланган Илом Каримов номи болалар боғчалари иш бошлади, — дейди **Шўрчи тумани мактабгача таълим бўлими мудири, ЎзХДП аъзоси Бахтинисо Холмўминова**. — Хар жиҳатдан қулай ва замонавий масканлар қурилишига 5 миллиард 270 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бир ва икки қаватли иншоотлар юмшоқ ва қаттиқ мебеллар билан жиҳозланган бўлиб, мусиқа асбоблари ва

ўйинчоқлар келтирилди. Ҳамшира хонаси, ошхона, душ ишлаб турибди. Болалар майдончаси ҳамда мўъжаз бог барпо қилинган. Жажжи ўғил-қизлар рус ва инглиз тилларини мукамал ўрганишлари мумкин. Қузатув камералари ўрнатилгани ҳавфсизликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Юртимизда мактабгача таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва педагог кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — давом этади **бўлим масъул ходими, ЎзХДП аъзоси Диёр Бекмуродов**. — Бу борада Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Ҳозирги кунда туманимизда 33 та муассаса фаолият кўрсатаётган бўлса, йил охиригача уларнинг сонини 53 тага етказиш кўзда тутилган. Шунда яна 2 минг нафардан ортиқ болажонлар қамраб олинади ва 400 кишининг бандлиги таъминланади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**




Жондор туманидаги

# «ЕВРОСНАР»

**масъулияти чекланган жамияти жамоаси:**

**— АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, БАРЧАНГИЗНИ  
ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
27 ЙИЛЛИГИ БИЛАН  
ҚУТЛАЙМИЗ.**



Маҳсулотлар сертификатланган.

## «СУРХОНОЗИҚОВҚАТСАНОАТИ»

**акциядорлик жамияти жамоаси:**

**— Халқимизни юртимиз Истиқлолининг  
27 йиллиги билан қутлаймиз.**

**Корхонамиз томонидан Сизнинг  
дастурхонингизга экологик жиҳатдан тоза  
ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари  
етказиб бераётганимиздан хурсандмиз.**



Маҳсулотлар сертификатланган.



### O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:

O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHIBosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.

E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba  
kunlari chiqadi.«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.Г — 938. 6736 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.O'za yakuni — 00:15.  
Topshirilgan vaqti — 01:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashriyotchi:  
**Allisher RO'ZIYEV**  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

Gazetaning elektron sahifasiga ulash  
uchun QR-kodni telefoningiz orqali  
skaner qiling.

1 2 3 4 6